

Ахмад Яссавий – туркий халклар орасида янги бир тасаввуфий тарикат яратган ва тасаввуф шеъриятга асос солган машхур мутасаввиф ижодкор. У хозирги Туристон, кадимги Ясси якинидаги Сайрам шахрида тахминан XI асрнинг иккинчи ярмида таваллуд топган. Отаси Шайх Иброхим жавонмардлик тарикига мансуб нуфузли зотлардан бўлган. Онаси эса Мусо Шайхнинг кизи Ойша Хотун эди. Ахмад тугилгач кўп ўтмай онаси вафот этади. Етти ёшида у отасидан ҳам ажралади. Унинг тарбияси билан Гавхар Шахноз исми опаси машгул бўлади. У етимлик азоб ва кийноқларини бошдан кечирганлиги боис хаам хикматларида мана бундай фикрларни баён этган эди:

Окил эрсанг гарибларни кўнглин овла,

Мустафодек элни кезиб етим ковла.

Дунёпараст ножинслардан бўюн товла,

Бўюн товлаб дарё бўлиб тошдим мано.

Ахмад опаси билан Яссига кўчиб боргач, биринчи устода Арслон боб билан учрашади ва ундан тахсил олади. Хикматлардан бирида бу ҳақда:

Етти ёшда Арслон бобом излаб топди,

Хар сир кўриб, парда бирла буқуб ёбти, -

Дейилишига караганда Яссавий Яссига чоғларидаёқ ботин илми сирларини анча пухта ўзлаштирганки, буни куйидаги сўзлар ҳам тасдиқлайди:

Саккизимда секиз ёндин йўл очилди

Хикмат айт, деб бошларимда нур сочилди...

Ўша замонларда илм-маърифатнинг Мовароуннахрдаги марказларидан бўлган Бухорода Туркистоннинг турли томонларидан толиби илмлар йигилишган. Бухорода у араб тили билан бир каторда форс тилини ҳам чуқур ўрганган. Форсийда яратилган тасаввуфий адабиёт билан танишган. Хожа Абдуллох Баррокий, Хожа Хасан Андокийлар билан хамсухбат ва хаммаслак бўлиб Юсуф Хамадоний муридлари каторидан ўрин олган.

Алишер Навоий Яссавий тўғрисида «макомати олий ва машхур, каромоти мутаволий ва номахсур эрмиш. Мурид ва асхоб гоятсиз ва шоҳу гадо анинг иродат ва ихлоси достонида ниҳоятсиз эрмиш», - дейди. Бу фикр Яссавийнинг Яссига қайтиб келиб янги бир тарикатга асос солган муршид сифатида шуҳрат топган даврларига тегишлидир. Туркий халкларни исломга янада кенгрок жалб қилиш ва тасаввуф гоёларини омма кўнглига чуқур сингдириш мақсадида шеъриятдан ҳам фойдаланган.

Абдурауф Фитратнинг таъкидлашича, Яссавийнинг «адабиётда тутган йўли содда халқ шоирларимизнинг тутгон йўлидир... Унинг хикматлари вазнда, кофияда, услубда халқ адабиёти аталган шеърлар билан баробар».

Яссавийни «турк шоирларининг дохийларидан», деб таърифлаган Абдурахмон Саъдий ёзади: «Яссавий турк кавмларининг хақиқий маъноси билан чин шоирларидан (лирик) ва классик шоирларидиндир. Ул гоят хассос, илхом ва хаёли гоят табиий ва енгил ўқишли бир шоирдир. Яссавийнинг юраги буун умрига рухий ва маънвий ишк билан ловуллаб ёнатургон шеърий бир ўтдир».

Ахмад Яссавий нуктаи назарида хикмат – «илми ладуний», яъни илми гайбу хақойик ва илохий сирларни кашф айлаш мазмунига ҳам эга.

Яссавийнинг ўзи «Девони хикмат» номи ила бир китоб яратмаган. Ушбу нодир асар унинг мурид ва издошлари томонидан тартиб берилган. Лекин бу нарса хикмат мажмуасининг

Яссавийга алокаси йўк деган даъвони илгари суришга асос бермайди. Сўфи Оллоёр Яссавий хакида фикр билдириб, яна шундай деган:

Шариатда эди ул офтобе,
Колибдур бизга ул эрдин китобе.

Бу китоб ханузгача ахли ирфон кўнглини завклантириб келаётган тарикат, маърифат, хакикат сирлари ёритилган «Девони хикмат»дир. Унда илохий ишк ва ошиклик, маърифат ва орифлик саодати, фанодан бакога етишиш тушунчалари ниҳоятда самимий ва таъсирли охангларда ёритиб берилган.

Хикматлардаги нафсни поклаш оркали ахлоқ гўзаллигига эришиш, кўнгил ва рух таъзиясига комилликнинг олий натижаси сифатида карашга чорловчи фикрлар барча даврлар учун ҳам бир хилда ахамиятлидир.

Дардсиз одам одас эрмас, муни англаг,
Ишксиз одам хайвон жинси, муни тинглаг, -

Деёди Яссавий ва инсон моҳиятини изчил тарзда ишк «ойна»сида тасвирлаб беради. «Девони хикмат»даги барча шеърлар ҳам Яссавийга мансуб эмас. Унда Яссавий издошларининг ижод намуналари ҳам киритилган. Бу эса, табиийки, хикматлар тили ва услубида маълум ўзгаришлар ҳосил қилган. Лекин Яссавийнинг ўналаб издошларидан ҳеч бири устозлари бошлаган гоъвий, ахлокий, маънавий йўналишни ўзгартирмаган. Бунга Яссавий ҳаёти, тарикати ва ижодиётидан баҳс юритилган ўнлаб қадимий манбалар, аниқса, Султон Аҳмад Ҳазинийнинг «Жавохир ул аброр мин амвожил бихор» асари ҳам тўла тасдиқлайди.

Анча узок вақт мобайнида Яссавий ҳаёти ва ижодиётини илмий жихатдан тадқиқ этишга имкон берилмаган. Асарларини нашр этишга йўл қўйилмаган. Ўтган асрнинг 70-йилларида Яссавийнинг миллий маданият, тил ва адабиёт тарихидаги хизматларини тўғри баҳолаш йўлидаги уринишлар эса қораланди. Мустақиллик арафасида, хусусан, Ўзбекистон истиқлога эришгандан кейин яссавийшуносликда янги давр бошланди.

Дастлаб турли газета ва журналларда «Девони хикмат»дан намуналар эълон қилинган бўлса, 1990-92 йилларда унинг мустақил нашри китобхонлар қўлига етказилди. 1993 йилни «Аҳмад Яссавий йили» деб белгиланиши нафакат Ўзбекистонда, балки бошқа туркий жумҳуриятларда, Хусусан Туркияда ҳам бу буюқ мутасаввифнинг ҳаёти, адабий-маърифий фаолияти, издошлари хизматида кизиқишни кучайтириб юборди. Худди шу йили Ўзбекистон ва Туркияда Яссавийга бағишлаб илмий анжуманлар ўтказилиб, маърузалар матни алоҳида мажмуа шаклида чоп этилди. Матбуотда Яссавийнинг шахсияти, тарикати, шеърларидан баҳс юритилган ўнлаб мақолалар босилиб чиқди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Аҳмад Яссавий номида махсус мукофот таъсис этилди. Султон ул-орифин камолотининг юксакларга қўтарилишига гувоҳ бўлган ва жасади дафн этилган кўхна Ясси шахрида эса Аҳмад Яссавий номидаги университет мавжуд.

Яссавий ва бевосита яссавийшуносликка дахлдор тадқиқотларнинг сони йилдан-йилга чет элларда ҳам ортиб бормокда.

*** ***

Туркий халқлар тарихи – маданият, маънавият, маърифат, адабиёт, санъат, мусика ва сиёсат жихатидан энг ибратли ва жаҳоний диққат-эътиборга лойиқ тарих эрур. Бу тарих дунёда номи ўчмас буюқ алломаларни, адабиёт ва санъат даргаларини, одил хукмдор ва

ватанпарвар кахрамонларни етиштириб берган. Туркий халклар тарихида юксак маънавий нуфузга эришган ва тафаккурнинг беҳад кенг сарҳадларини эгаллагн буюк зотлар беҳисобдир. Лекин айнан Хожа Ахмад Яссавийга ўхшаб асрлар мобайнида таруий кавмлар ва элатлар рухоний ҳаётига раҳнамолик қилган, то шу кунга қадар тасаввуф, адабиёт, маданият, маънавият, ҳатто сиёсат жаҳхасида ҳам таъсирини ўтказиб келган сиймоалр бармоқ билан санарли.

Ахмад Яссавий ҳазратлари фақат янги тарикат асосчиси сифатида эмас, балки туркий тасаввуф шеъриятининг биринчи ижодкори сифатида ҳам такрорланмас ва унутилмас тарихий вазифани адо айлаган эди.

Туркий тил гўзал, кудратли, таъсирчан ва бағри кенг тилдир. Бу тилда қадим замонларда буддавийлик, моний динига доир матнлар шарҳланган. Бу тилда бошқа динларнинг ҳақиқатларини ифодаловчи шеърлар ёзилган. Аммо Ахмад Яссавий ўз она тилини илк бора тарикат тили мақомига кўтарди. Уни араб ва форс тасаввуф тили даврасига кўшди. Шунинг учун Пири Туркистоннинг шеърларидаги ҳар бир сўз ва ҳар бир ибора ислом ҳақиқатлари қадар муқаддас, нурли ва илохийдир. Буни Алишер Навоийнинг «Насойим ул-мухаббат» асаридаги мана бу фикрларидан ҳам билиш кийин эмас:

«Хожа Ахмад Яссавий – туркистог мулкининг шайхул машойихидур. Мақомоти олий ва машхур, қаромоти мутаволий ва номахсур эрмиш. Мурид ва асхоб гоятсиз ва шоҳу гадо анинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш. Имом Юсуф Хамадонийнинг асхобидиндур. Хожа Абдуҳолик Гиждувоний била суҳбат тутубтур ва Хожа Абдуллох Барракий ва Хожа Ҳасан Андакий билаки Имом Юсуф Хамадоний муридларидурлар, аммо ҳар қайси бийик маротибга етибдурлар, мусоҳиб бўлубтур, ва рўзгор машойихидин кўп бузургворлар анинг тарбиятин топибтурлар ва Шайх Разиддин Али Лоло Шайх Нажмиддин Кубро хизматиға етардин бурун Хожа Ахмад Яссавий хизматида бўлуб эрди ва анинг хонақоҳида анинг иршоди ибла сулук қилибтур.

Ва анинг мазори Туркистонда Ясси деган ердаки, анинг мавлид ва маншаидур воқеъ бўлубтур вав Туристон ахлининг қиблаи дуосидур».

Ахмад Яссавийнинг туркий адабиётдаги тарихий хизмати фақат хикматнавислик анъанасини бошлаб берганлиги билан чегараланмайди, албатта. «Девони хикмат»да муножот, қасида, мунозара жанри талабларига мувофиқ келадиган шеърлар қаторидан бир «Меърожнома» ҳам ўрин олган. Яссавийнинг Ҳазрати Мухаммад алайҳиссалом мадҳ этилган манзумалари ўз давридан бошлаб ханузгача ўқувчи кўнглини илҳомланитириб келган ва ҳар қандай рухониятчи ижодорга таъсир кўрсатишга қодир асарлардир. Хуллас, Яссавийнинг ижодиётиадабиётмиз тарихида ҳам, халқимиз тарихида ҳам ҳос мавқега эга. Шунинг учун Яссавий ҳаёти, сару сулук йўли, ишқ ва ирфоний мазмундаги шеърияти неча асрлардан буён туркий халқларнинг қилиб келмоқда.

Яссавийни билиш – бу энг аввало Шариат, Тарикат, Маърифат ва Ҳақиқатни билиш демак. Яссавийни билиш – бу инсон Ақли, Қалби ва Руҳи сирларини теран англаб қомиллик мақомидан оғох бўлиш демак. Яссавий адабий меросига қизиқиш – бу Аллоҳ ва инсон муносабатига қизиқиш, қулнинг Яратувчига бўлган ишқини англашнинг айнан ўзидир. Бизнинг аждодларимиз маънавий-ахлоқий ниҳоятда муҳим ўрин ишғол этган Ахмад Яссавий ижодиёти шўро тузуми даврида таҳқирланиб, халқдан ажратиб қўйилган эди. Бу эса омма кўнглида диний хис-туйғуларнинг сусайишга сабаб бўлганди. Чунки олис ўтмиш замонларда халқни ботил оқимлардан ҳимоя қилиб, шиалик, қизилбошлик, ҳайдарийлик ақида ва даъволарига қарши қалқон вазифасини бажарга яссавия

таълимоти шўролар зулми билан миллат истикболи учун хизматдан махрум килинди. Дунёда улуг бир туйгу бор. Бу – Вахдат, яъни Бирлик туйгуси. Бир маслак, эътикод ва дунёкараш атрофида неча минглаб кишиларни бирлаштириш ва эзгу амалларга сафарбар айлаш учун энг аввало ана шу туйгуни камолга етказмок зарурдир. Ахмад Яссавий ҳам тарикат асосчиси, ҳам ижокор, ҳам муршиди комил ўларок худди мана шу мураккаб вазифани тўла-тўқис амалга оширишга эришолганди. Ахмад Яссавий меросидан йироқлашиб бўлмасликнинг сабабларидан бири ҳам ана шудир. Аждодларимиз маънавий-ахлокий кисматида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган Ахмад Яссавий ижодиётини халқдан ажратишга қанчалик уринилмасин, улуг бобомизнинг муборақ номи ва шеърлари элимизнинг кўнглида ва хотирасида яшаб келди. Шунинг учун кайта қуриш ва ошкоралик даври бошланишиданок амалга оширилган ишлардан бири «Девони хикмат»ни нашрга тайёрлаб, кенг ўқувчилар оммасига етказиш бўлганди. Яссавийнинг хайти, тасаввуфий ва адабий меросини ўрганиш ўзига хос бир жараёнлики, унинг илдизлари олис даврларга бориб тутади. XX асрга келиб яссавийшуносликда кескин бир ўзгариш, зиддиятли бир эврилиш ёҳосил бўлди. Чунончи, Яссавийнинг олиқлаш билан бирга таҳкирлаш ҳам бошланиб, бу ходиса шўро давлати барҳам топгунига қадар давом қилди. Мана ўшандай бир шароитда қардош Туркия диёри буюк бобомиз Ахмад Яссавийнинг қутлаг номи, шарафи ва меросини муҳофаза этишнинг дахлсиз кўргони бўлганди. Бу ҳам тасодифий ҳол эмасди. Зеро, турк тадқиқотчилари такрор-такрор эътироф этганларидек, Онадўлида исломнинг мустаҳкам қарор топиши, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг ўнгланишида Хожа Ахмад Яссавий мафқураси ҳамда яссавия дарвешлари фаоллиги кўрсатишганди. Муҳаммад Сархон Тайший, Мекоил Байрам, Ахмад Яшар Ўчок, Мустафо Кара, Усмон Турар, Хасан Комил Йилмаз каби олимларнинг мақолаларидаги фактлар бунга далилдир. Жумладан, Мустафо Кара Ахмад Яссавий таълимоти усмонли давлатининг маънавий пойдевори бўлганлигини қайд этса, Хасан Комил Йилмаз Авлиё Чалабийнинг «Саёхатнома»сига асосланиб, яссавийя издошларининг касб-хунар кўшган хиссаларидан баҳс юриади. Маълумки, машҳур олим Муҳаммад Фуод Купрулининг 1918 йилда ёзилган «Турк адабиётида илк мутасаввифлар» китоби яссавийшуносликда алоҳида ходиса бўлганди. Тан олиб айтиш керакки, ханузгача на Туркияда, на туркий халқлар истикомат қиладиган бошқа ўлкаларда «Илк мутасаввифлар»га тенг келадиган ва у қадар машҳур бўлган иккинчи бир тадқиқот яратилгани йўқ. Колаверса, ўттизинчи йиллардан то етмишинчи йилларгача Яссавий ижодиётини тадқиқ этишда Туркияда ҳам қандайдир тургунлик ҳукм сурганди. Профессор Камол Эраслон нашрга тайёрлаган «Девони хикмат»дан сочмалар» митобининг чип этилиши билан аҳвол бир қадар ўзгарди. Ясмада Ахмад Яссавий идтиётига яқинлишиш, кенг омма нигоҳини унга қаратиш эҳтиёжи олтишинчи йилларнинг охирида Ўзбекистонда пайдо бўлганди. Бу давронинг ёркин далили сифатида филология фанлари доктори, марҳум профессора Эргаш Рустамовнинг «Ахмад Яссавий хикматларида тарих ва ҳаёт садоси» номли мақоласини айта оламиз. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1972 йил 4–5-сонларида босилган ушбу мақола учун муаллиф ноҳақ танқидларга гирифтор этилган бўлса-да, ўзининг амалий хизматини бажарган эди. Шунинг учун биз уни айрим қискартиришлар билан қўлингиздаги ушбу тўпламга киритдик. Ҳақиқатнинг қарор топиши учун жабр чеккан улкан олимимизнинг руҳлари бундан шод бўлур, деган умиддамиз. Собик шўро давлати қарамлигида яшаган қардош жумҳуриятлар мустиқликни қўлга киритгача, Ахмад Яссавий шахсияти ва ижодиётига қизиқиш ўз-ўзидан қучайди.

Натижада 1993 йил Ахмад Яссавий йили деб эълон килинди. 1991-93 йиллар оралигида туркий халқлар олимлари томонидан Яссавий хаёти, тарикати ва шеъриятига доир юзлаб маколалар эълон килинди, илмий анжуманлар, йигинлар ўтказилди. Туркияда бир неча алохида илмий тўпламлар нашр этилди. Ахмад Яссавий вақфи тузилиб, унинг нашри ўларок «Яссавий» журнали чиқарила бошланди. «Девони хикмат» бир неча олимлар томонидан чоп этилди. Сизнинг диккатингизга хавола этилаётган мазкур тўпلام 1993 йил 1-2 май ва 25-26 ноябрь кунлари Истанбул ва Измир шаҳарларида Ахмад Яссавийга бағишлаб ўтказилган конференция материалларидан таркиб топгандир. У 1996 йилда «Саҳо» нашриётида китоб бўлиб чиққан.

Унинг сўзбошида профессор, филология фанлари доктори Махмуд Асъад Жўшоннинг шундай фирлари берилган:

«Бу асар зоти мухтарам Ахмад Яссавий хақида килинган жиддий тадқиқотлар, илмий маърузалардан иборатдир. Шу боис уни жуда фойдали ва муҳим бир асар дейиш мумкин. У яссавийшуносликдаги катта бўшлиқни тўлдиради ва кизиқувчилар учун ишончли манба вазифасини ўтайди. Бугунга қадар бундай китоб дунё юзини кўрмагандир».

Бизнинг диккатимизни ўзига тортган ва ушбу тўпلامни ўзбек тилида чоп этишга рағбатлантирган асосий жихат ҳам ана шудир. Хақиқатда ҳам, ундаги айрим маколалар Яссавий ижодиётига янгича муносабат, талқин ва таҳлилларининг ўзига хослиги билан диккатни жалб этадики, буни алохида таъкидлаш лозим. Бу ўринда Анкара университети профессори, илоҳиёт фанлари доктори Адхам Жабажиўглининг, Салжук дорилфунуни доктори Мекоил Байрам ва Арзирум Отатурк университетининг профессори Усмон Турарнинг турк дунёсида исломнинг илдиз ёйишида Яссавийнинг тарихий хизматларини ёритишга бағишланганмаколаларини тилаг олишни истардик. Шунингдек, тўпلامдаги маколалар яна икки масалада ўқувчининг билим ва тасаввурини бойитади, дейиш мумкин. Булардан бири, яссавия тарикатининг Ўрта Осиёдан гарбда Болконгача, шарқда Чингача, шимолда Мосвагача тарқалиш жугрофияси, иккинчиси, Яссавий ижодиётининг умумтурк адабиёти тараккиётидаги таъсири ва мавқеи. Бу икки масала ханузгача махсус тадқиқ этилгани йўқ. Шунинг учун Ахмад Яссавийнинг ижод тажрибалари факат унинг издошларигагина таъсирини ўтказган, деган фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Холбуки, туркий адабиёт тарихида Ахмад Яссавий сўзларидан илхомланмаган, буюк пирнинг тасаввуфий шеърифти мактабидан сабоқ олмаган етук шоир ёки ёзувчини топиш душвордур. Усмонли турк тадқиқотчиларидан Мустафо Узун, Мустафо Тахрали, туркман олими Курбонтурди Гелдиев, татар олимаси Алфина Сигбатуллиналарнинг ишлари айнан шу муаммони хал этишга хизмат қилади. Профессор Фарид Хақимжоннинг хулосасига кўра, Хожа Ахмад Яссавий ва унинг буюк издоши Сулаймон Боқиргонийнинг асарлари булғор диёрида гоят кенг танилган. Улар хикматларининг тили таълим-тарбия ва бадий ижод учун намуна ўрнида қабул килинган. Унингча, «Яссавий хикматларининг Идил бўйларида кенг тарқалиши, шоирлар, адиблар, айникса, зиёлилар учун ёзма тил намунасигина эмас, балки янги пайдо бўлган тасаввуфий туйгулар ва фикрларни қабул қилишда ҳам ўрнатқ эди».

Алфина Сигбатуллинанинг таъкидлашича, Идил ирмоғи Мовароуннахрга катнайдиغان катта савдо йўлининг маркази ҳасобланган. Ахмад Яссавийнинг хикматлари эса, Хазрат Султон тириклигидаёқ, Ўрта Осиё тужжорлари воситасида Идил бўйларидаги булғор давлатида машҳур бўлган. У ёзади: «Олтин Ўрда хонлиги даврида яшаб ижод қилган Махмад Булғорий («Нахжул-Фародис»), Кутб («Хусрав ва Ширин»), Хусом Котиб («Жимжима Султон»), Али («Кесикбош»)нинг асарларида, шунингдек, муаллифи

номаълум «Киссаи Овик» ва Сайфи Саройи шеърларида Хожа Ахмад Яссавий ва Сулаймон Бокиргоний асарларининг таъсирин очик кўриш мумкин».

Туркман олими Курбонтурди Гелдиевнинг фикр-мулохазалари ҳам мана шу эътирофларга уйгун келади. У Ахмад Яссавийнинг ижод тажрибалари Саййидназар Сайдий, Толибий, Котибий, Зинхорий, Камина, Муллонафас, Мискинкилич сингари шоирларгагина эмас, балки туркман шеърятининг буюк вакили, оташнафас санъаткор Махтумкули ижодига ҳам кучли таъсир ўтказганлигини баён килади. Лекин мақоладаги Туркманистон Фанлар Академиясининг кўлөзмалар институтида «Девони хикмат»нинг юздан ортик нусхалари мавжудлиги ва «Яссавий кўлөзмаларининг деярли барчаси XIV асрда кўчирилган» деган фикрлари бизга шубхали туюлди.

Яссавий хикматларининг у ёки бу шоир ва ёзувчи ижодиётига туъсири ўрганилганда, «Двони хикмат»нинг бадий хусусиятларига кенгрок ва изчилрок таяниш лозим бўлади. Бунда, айникса, хикматларнинг тасвир усуллари, диний-тасаввуфий тимсоллари, мажозий ва рамзий хақиқатларини тадқиқ этиш жуда яхши самар бериши шубҳасиздир. Лекин баъзи уриниш ва ишлар инobatга олинмаса, «Девони хикмат» поэтикаси ханузгача кенг бир микёсда текширилгани йўқ. Хикматларнинг ўнлаб тааввуфий истилох ва тимсолларига доир шарх ва талкинлар тўпламдан жой олганки, улар хар канадй ўқувчини ҳам кизиштиришга кодир деб ўйлаймиз. Масалан, Мустафо Тахрали хикматларда кайта-кайта дуч келинадиган «ло макон» калимасига шундай изоҳ беради: «Ло макон – «вахдат шароби» ичилиб, «иккилик» ўртадан кўтарилган бир макондир: Ишрат килиб, вахдат майидин тўё ичдим, Ло маконда Хакдин сабок олдим мано.

Мутасаввифларга кўра Яссавийнинг «олгани» «ло макон» рамзий тарзда англатилиш кўзланган кўнгил оламидир. Чунки замон ва макондан ташкарида бўлган жабарут оламининг нурлари ва лохут оламининг сирлари «кўнгил»да тажалли этади. Зеро, пайгамбар алайхиссаломга нисбат этилган куйидаги кудсий хадисда Аллох таоло бундай буюради: «Мен на арзимга ва на осмонимга сигамам. ФФФакатгина мўмин бандамнинг калбига сигурмен». Шундай экан, замон ва макондан муназзах бўлмиш Хак таолога маскан бўлган кўнгил замон ва макондан озоддир. Демак, «ло макон» вахдат олами бўлиб, у зухур этадиган жой ирфон сохибларининг кўнгилларидир.

Маълумки, Ўрта Осиё тасаввуф тарихида Юсуф Хамадонийнинг номи ва хизматлари алохида мавкега эга. Хамадоний XII асрнинг энг атокли алломаларидан, Марв, Харот, Самарканд ва Бухоро шаҳарларида истикомат килиб, ўзининг тасаввуфга доир илмий фикр-карашларини тарғиб этган. Унинг Бухоро ва Самаркандни кўчманчилар босқинидан мудофаа этишда катнашганлиги тарихий китобларда кайд килинган. Ахмад Яссавийнинг ҳам, Абдулхолик Гиждувонийнинг ҳам муршиди Юсуф Хамадоний бўлганлиги учун накшбандия тарикатининг тамалида яссавийликка якинлик, янада аникроги, мафкуравий вобасталик мавжуддир. Бу ҳақда ўз вақтида Ф.Купрули, В.А.Гордлевский каби таникли тадқиқотчилар фикр билдиришган ва накшбандийликнинг умумий йўналиш эътибори билан яссавийликдан кўп фарк килмаслигини кайд этиб ўтишган. Тўпламдаги бир неча мақолаларда шу нуктаи назар ривожлантирилган мулохазалар ўрин олган. Масалан, Мухаммад Темирчи Хожи Бектоши Валий яссавийликдан адаб конун-қоидаларини ўзлаштириб, инсоннинг кўлига, тилига, белига хоким бўлишини асослаган бўлса, накшбандийлик хилм, гўзал ахлоқ, инсоннинг тупрокдек хокисор, куёшдек жўмард бўлиш тушунчасини олган, дейди. Мекоил Байрамнинг ёзишича, Амир Темур замонларида накшбандийликка яссавийликнинг

давоми сифатида каралиб, бу икки тарикат ҳам теппа-тенг химоя килинган. Хатто, тарихда баъзи шайхларнинг ҳам яссавийлик, ҳам накшбандийлик сулукига мансублиги бу икки тарикат орасига сунъий тўсиклар кўйиб бўлмаслигини тасдиқлайди. Масалан, Фаранг шаркшуноси Тьерри Заркон «Хазинтул асфиё»га таяниб, яссавийлик ва накшбандийликнинг бирлашувига мисол ўларок Хожа Хофиз исми яссавия дарवेशининг айна пайтда накшбандий ҳам бўлганлигин ёзади.

Яссавийшуносликда пухта ўрганилиши ва хал этилиши зарур бўлган муаммолар кўп. Шулардан бири, Ахмад Яссавий авлодларига тегишли. Кўпгина илмий, тарихий, манкабавий маълумотларда Яссавийнинг Иброхим номли бир ўгли ва Гавхари Хушноз исми кизи бўлганлиги кайд этилган. Мавлоно Сафийуддин Кўйлокийнинг «Насабнома» асарининг нусхаларидан бирида Яссавий фарзандларининг номлари Шайхзода ва Гавхари Хуштож деб зикр этилган. «М.Ф.Купрули айтганидек, анъанага кўра, Ахмад Яссавийнинг кичик ёшда вафот этган Иброхим отли ўгли бўлган. «Насабнома»нинг «Ч» нусхасида номи кайд этилган Шайхзода ўша Иброхимми, бошками, буни айтиш кийиндир», - дейди К.Эраслон. «Насабнома» нусхалари Ахмад Яссавийнинг опаси Гавхари Шахноздан маълумот бермайди. Факат «Жавохир ул-аброр»да унинг номи Гавхари Шахноз дея тилга олинган. Яссавийнинг хаёти ва шахсияти афсона ва ривоятлар билан бурканиб кетганидек, унинг фарзандларига доир хакикатни ҳам афсона ва ривоятлардан ажратиш анча мушкулдир. Масалан, айрим манкабаларда Яссавийнинг Хайдар ота деган ўгли тўгрисида равоятлар берилган. Эмишки, Рум диёрини исломлаштирмок учун борган Хайдар ота мужохада пайтида асир тушади. Масофа бўлишига карамасдан, отаси воқеадан огох бўлади ва «уф» дея ўглининг хибс этилганлигини айтади. Нихоят уни озод килади. Хайдар ота падари бузрукворининг зиёратига келгач, такрор Румга равона бўлади. Охири ўша ерда муқим ўрнашиб қолади. Т.Хикматнинг гувоҳлик беришича, «халк орасида 1960 йилларгача сўзланиб келингна бу ривоятлар Хайдар отанинг Онадўлига ташриф уюрган илк эранлардан эканлиги, яссавийнинг ўгли ўларок танилиши ва Хожи Бектоши Валидан олдин Туркистондан келганлигини англатиш жихатидан ахамиятлидир».

Ф.Купрули ҳам Хожи Бектош «Валоятнома»сидан наклан Яссавийнинг Хайдар отли бир ўгли бўлганлиги, аммо ўн икки ёшда Онадўлига исломни таркатиш максодида борганлиги, аммо Оллохни номини хотирлашни унутганлиги учун асир тушганлиги ва уни Хожи Бектош халос қилганлигини ёзади. Демак, бу маълумотларда тарихий хакикатнинг излари ўрин олганлиги эҳтимолдан йирок эмас. Ахмад Яссавийнинг ёш чогидаёқ вафот этган ўгли Иброхимга келсак, у хали мусулмонликка иқрор бўлмаган суйри халки томонидани ўлдирилади ва боши бир копча солиниб, Хазрати Хожанинг олдига келтириб ташланади. Бу ҳақда «Жавохир ул-аброр»да ўқиймиз:

«Кавми мунофики каряйи Сури эшитдиларки, шахзода Иброхим бир терак тагида ётибдур. Бошини кесиб шайхул-машойих куддиси сиррухуни хузурида бухузур қилмок учун келтуруб ташладилар. Шайхул-машойих сўрдиларки: «Недур бу дастмолдаги?» Демишлар: «Янги етишган ковун турфанда армугондур». Буюрмишларки: «Етилса эди, гўзал бўлурди». Алхукму лиллах аблак (от)ни эхсон қилди ва оти ила кизини ҳам бердики кон даъвоси бўлуб, ўртада адоват ва дият бокий қолмагай».

«Халк томонидан севилиб, эхтиром кўрсатилган, ўзи ҳам бошкаларни хурмат қилган Яссавий хазратларига бундай ходисанинг нисбат берилиши, бизнингча, заиф бир эҳтимолдир», - дейди А.Жабажийўгли. Шундай бўлганида Хазиний ва бошка муаллифлар ушбу ходисани ёзиб қолдиришмасди. Бу – биринчи. Иккинчидан, ўглини ўлдирган

кимсаларга ўзининг севимли отини тухфа килиш ва хатто кизини бериш ақл бовар этмас иш бўлса-да, ушбу воқеа Ахмад Яссавий шахсиятининг нақадар юксак мақомга кўтирилганлигини кўрсатиш маъносида талкин этилган. Хазинийнинг «кон даъвоси бўлиб, ўртада адоват ва дият боқий қолмагай» дуган сўзларни қелтириши ҳам бежиз эмас. Зеро, Яссавийга ўхшаш ҳақиқий ориф ва муршидлар наздида қин, адофат ва душманлик ўлимдан ҳам кўрқинчли ва таҳликали офатдир. Мана шунинг учун Шайх Фаридуддин Аттор «Мантик ут-тайр» дотонида Туркистон пири қисматидаги бу қонли фожеани ҳикоя қилиб, қуйидаги сатрларни тизган эди.:

Дод аз худ пири Туркистон хабар,
Гуфт: «Ман ду чиз дорам дўсттар.
Он яке асбест аблақ гомзан,
В-он дегар худ нест жуз фарзанди ман.
Гар хабар ёбам зи марги ин писар,
Асб мебахшам ба шукриин хабар.
З-он ки мебинам ки хаст ин хар ду чиз,
Чун ду бут дар дидаи жонам азиз.
То насўзиву насози ҳамчу шамъ,
Дам мазан аз покбози ҳамчу шамъ,
Дам мазан аз покбози пеши шамъ...

(Мазмуни: Туркистон пири, ўзидан хабар бериб деди: Менинг дўст тутиб, жуда қадрлайдиган икки нараам бор: бири, тезчопар аблақ отим, иккинчиси суюкли фарзандим. Агар ўғлимнинг ўлим хабарини эшитсам, бунинг шукронаси учун отимниҳадя этаман. Чунки бу икки нарса азиз жоним дийдасидаги икки бут эрур. Агар сен шамга ўхшаб, қуймасанг-у, нур таратмасанг, кўпчилик ҳузурида покбозликдан асло дам урмагил).

Бу мисраларнинг замирида энг севимли нарсалар, хатто фарзанда ҳам инсон билан Худо орасидаги ишк ва яқинликка мутлақо монелик этмаслиги зарур, ана шундагина чинакам покбозликка етишиш мумкин, деган мазмун ҳам яширинган.

Эҳтимол, шунинг учун Ахмад Яссавий дин, имон, эътиқод ва мусулмонлик масалаларига беҳад кенг қарагандир. Эҳтимол, шу боис ислом равнақи учун хатто бошқа дин вақиллари билан фавқулудда иттифок йўлини тутгандир. Профессор З.В.Тўғоннинг Яссавийнинг қуёви ҳақидаги мана бу маълумотлари ҳам буни қувватлайди:

«Ахмад Яссавийнинг домоди ва халифаси Ҳожа Сулаймон ибн Бормон Ота ҳақидаги равоятлар ҳам диққатга молиқдир. Маҳмуд Кошгарийда Афросиёб (Тунга алп)нинг ўғли дея танитилган Бормонга нисбат этилмишлиги англашилган бу шайхнинг боболаридан бири Ўғуз Хон эмиш ва хон кизидан тугилган экан. Унинг тўртинчи бобоси Адхам Отанинг лақаби ҳам «Ҳожаи Равшаний» эмиш. Унинг қабри Фаргонанинг Қошон шаҳрида эмас. Ҳожа Равшанийнинг қадамгоҳлари бу вилоятларнинг хар жойида мавжуддир. Шу сабабдан Ҳожа Равшанийнинг мусулмонлашган бир монихон азиз бўлганлигин қабул айлаш лозимдир».

Баъзи маълумотларга кўра, Яссавийнинг Жавҳари Шахноз ва Жавҳари Хушноз исмли қизлари бўлган бўлса-да, Жавҳари Шахнознинг фарзандлари улуг боболари наслининг ворислари бўлишган. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ кўринади. Жавҳари Шахноз ниҳоятда оқила, билимдон ва маърифат муҳибаси эди. У отаси тирик пайтида ҳикматларини ёшларга ўқиб-ўргатиш ва аτροφга тарқатиш билан машғул бўлган. Аёлларнинг яссавийлик билан қизиқиши ва ба тарикатга қиришларида

хам Жавхари Шахнозинг хизматлари сингган.

Демак, тўпламдаги маколалар фикр уйготиши, баъзи муаамоларга янада кенгрок аниклик киритишга чорлаши билан хам ахамият касб этади.

Китобдан жой олган маколалардан бирида «Ахмад Яссавийни чукур этмок лозим. Бизнинг миллиятимиз унда яширин эрур», - деган фикр бор. Зеро, яссавийни билиш факат миллиятчилигимизга эмас, тафаккуримизги хам канот багишлайди, маънавий шахсиятимизни кучлантиради. Бугина эмас, Ахмад Яссавийни билмасдан ёки лойик даражада танимасдан, «Туркистонни танимок хам мумкин эмасдир». Буни эса ёддан чиқармаслигимиз зарур.

Сўз охирида айтадиган гапимиз шуки, тўпламни нашрга тайёрларканмиз, айрим маколалар камрок, баъзилари кўпрок тахрир килинди. Бирок, такрор ва умумий мулохазаларни бартараф этиш максидида амалга оширилган ушбу тахрирлар китобнинг илмий кимматига футур етказмади, деб ўйлаймиз. Ва китоб Яссавий бобомизнинг хаёти, тарикати, шеърляти билан кизикувчиларга манзур бўлади, деб умид киламиз.

Санамай саккиз демайлик

Дунёнинг кўп воқеа-ходисалари ўткинчи бўлганидек, кўп фикр-карашлар, хакикат тўғрисидаги бахс ва тортишувларнинг умри хам киска. Бу мутлако табиий ва оддий хакикатдир.

Мумтоз адабиётимизга дахлдор – ўрганилиши ва хал килиниши зарур масалалар кўп. Улардан мухим бир кисми бевосита матншуносликка тегишли эканлиги хам сир эмас, албатта.

Матншунослик майдони ва микёси олдингига нисбатан тасаввур этиб бўлмас даражада кенгайди. Бугун Ахмад Яссавий, Сулаймон Бокиргоний, Сўфи Оллоёр, Феруз, Хазиний каби шоирларимизнинг асарлари нашри юзасидан бемалол фикр алмашса бўлади. Бу ишонч кувонч ила уйгундирки, атиги саккиз-тўккиз йил аввал буни тасаввурга сигдириш мушкул эди. Нихоят етти-саккиз йилдан кейин, «Хечдан кўра кеч...», деганларидек, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (1998 йил, 23 январь) «Хикматлар» нашрига багишланган макола чиқиши хам, «Адабий идрок тантанаси» дея номланган ушбу макола фаол матншунос олим Вахоб Рахмонов томонидан ёзилганлиги хам кувонарли. Баъзан «Бахс» рукнидаги нарсаларни ўкиб, бахслашадиган гап тополмайсан.

Вахоб аканинг маколasi бундай эмас, мунозарага арзирили ўринлар унда жуда кўп. Айтайлик, у киши «Хикматлар» нашрига боглик мулохазаларни «Очиги мен Ахмад Яссавий «Хикматлар» китобига асос бўлган кўлёманинг кадимийлигига мутлако ишонмайман», деб бошлаган. Кўлёмка кадимий деб хеч ким даъво хам килгани йўк-ку! Китобнинг сўзбошисида унга Анкара нашри килиб олинганлиги ёзиб кўйилган. Уни юзага чикарган Камол Эраслон эса «Девони хикматдан намуналар»нинг мукадиммасида: «Девони хикмат» номи билан тартиб берилган бир девон мавжуд бўлмаганидек, Ахмад Яссавийнинг барча хикматларини ичига олган тўлик ва ишонарли бир мажмуа хам йўқдир. Кўлимиздаги ёзма нусхаларнинг энг эскиси XVI ва XVII асрларга оид эур», дейди. Демак, «Бу биринчи гумоним», дея гумон санаш мутлако хожатсиздир. В.Рахмонов «Хикматлар» масъул мухарриси, «нашриёт редактори раъйи билангина амалга оширилган»лигини жуда тўгри кайд этган. Чунки бошка илож йўк эди... Хусусан, у «Хикоятда билинг мундог кетурдилар...» мисраси билан бошладиган ўн икки тўртликнинг Яссавий тўпламида учраши билан сира мураса килолмайди ва уни «кўра билиб туриб, «Хикматлар» китобига киритиб, Ахмад Яссавий ижодидан намуна, деб кўрсатиш нокулай эмасми?» - дея таажжубланди. Нега нокулай бўлсин? Собик шўролар тузуми даврида «Хикматлар»ни халкка етказишнинг энг кулай йўли Туркия нашрига суяниш эди. Бунинг замирида «Яссавий шеърлари Туркияда босилади-ю, нечун Ўзбекистонда чикмаслиги керак?» - деган мудаоо хам яширинганди. Ўша шеърни биз эмас, Яссавий «Хикматлар» тўпламига Камол Эраслон киритган. У «Девони хикматдан намуналар»ни тайёрлашда тўккизта кўлёмка ва учта босма нусхадан фойдаланган. Китобга кариёб эллик сахифалик сўзбоши ёзилган, анча кенг хажмли изох ва лугат берилган. Хикматларда номи учрайдиган шахслар хакида битилган маълумотларнинг ўзи бир рисола кимматига эга. Шунча захмат чекиб, шунча ишни бажарган яссавийшунос олим, Байзовий номи тилга олинган тўртликларни тўпламга киритмасликка фахми етмаганмиди?

Мана, «Девони Хикмат»нинг Расулмухаммад Ашурбой ўгли Абдушукуров томонидан чикарилган (Тошкент, 1992) нусхаси. Унда Юсуф Байзовийга нисбат берилган шеър (77-78-бет)дан ташкари бундай тўртликлар бор:

Ломакондан чикди рухим «Аллох» деди,
Султон Ахмад эшитиб муни халкга ёйди.
Мункирлари шак келтирди, кўзин ўйди,
Ножинсларни Хак жазосин берар эрмиш...
Насисимйдек Хакни айтгил, теринг сўйсун,
Хожа, мулло сомон тикиб, осиб кўйсун,
Кўзинг юмгил бу дунёдин, нафсинг ўлсун,
Гўшту пўстин Хак сўзлатиб кўяр эрмиш.

Шеър мазмунидан шундоқ кўриниб-билиниб турибди – Яссавийники эмас. Яссавий каёнда-ю, Наисимий каёнда? Нечун «Девони хикмат»дан ўрин олган улар? Бунинг сабабини бошкалар билмаганда хам матншунос мутахассис англамоги лозим. Ахмад Яссавийнинг Туркиядаги буюк издоши Юнус Эмро девонининг энг кадимий нусхалари сакланмаган. Эмро девонига киритилган шеърларнинг аксарияти уники бўлмаган, яъни бошкалар томонидан тўкилган. Шунда кандай йўл тутиш керак? Турк олимлари Эмро номи билан богланган асарларни Даствлаб хеч ўзгаришларсиз, кискартиришларсиз чикара бошлаб, факат тадкикотчиларнинг эмас, кенг китобхонлар жамоасининг фикр-карашларини хам олиб, кейин саралаш ишларини йўлга кўйишган.

Масалан, 1933 йили Бурхон Тупрок тарафидан чикартирилган «Юнус Эмро девони» Эмро ижодиётига кизикишни миллат микёсида кучайтириб юборган. Бирок кўп ўтмай «Девон»даги 1250 та шеърдан бор-йўги 350 таси Юнус Эмрога тегишли эканлиги аниқланган. Кейин бу ракам яна тенг ярмига камайган.

Хуллас, турли йилларда турли мутахассислар турли нашрлар билан машгул бўлишаверишган. Нихоят, 1990 йили Мустафо Тотчи «Юнус Эмро девони»нинг танкидий матнини чоп эттирди. «Девони хикмат»нинг келажакда танкидий матнини яратишда худди мана шу тажрибага таянишдан ўзга чора йўқ.

Ахмад Яссавийнинг кудратли шахсияти ва фаолиятини тахкирлаш коралашга уриниш ёлғиз совет замонининг ташаббуси эмас. Бунинг тарихи анча олис. Сўфи Оллоёр «Сабот ул-ојизин» манзумасида «оти мўъмин, вале нафсига шайдо» «бир фирка» пайдо бўлганлиги, улар Яссавийнинг зикр мажлисларида эркаклар билан биробар аёллар ҳам иштирок қилишганини дастак этиб, номакбул ишларга ташаббус кўрсатганликларини айтиб, яна ёзади:

Худонинг дўсти бўлса Хожа Ахмад,
Килурми ҳеч мунингдек бидъати бад.

Шариатда эди ул офтобе,
Колибдур бизга ул эрдин китобе...

У ёки бу маънода Яссавийга, хусусан, яссавийлик тарикатида аёлларнинг ўрнига эътироз қилувчилар ҳатто ҳозир ҳам мавжуд. Камол Эраслон ўша тарихий англашилмовчиликлар қайта бош қўтармаслигини кўзлаб, Юсуф Байзовий тилидан хикоя қилинган хикматларни йигирма бешинчи ракам остида мажмуага киритган. Колаверса, уларнинг айнан Байзовийникилигига ҳам ҳеч қим қафолат беролмайди. «Хикматлар» В.Рахмонов қайд этгандан ҳам ортиқроқ имло ҳатолари билан босилиб чиққан. Мен буни тан оламан. Агар нашрийт муҳаррири ҳозир тирик бўлганида бунинг сабабларини бемалол сўзлаши мумкин эди.

Шунинг учун Оллоҳдан Аскарали Шароповнинг руҳлари шод бўлишини тилаб, ҳолис танкид ва кўрсатмаларни тўлиқ қабул қиламан. Аммо, мақолада, минг афсуски, ҳолислик етишмайди. Оқибатда тузатишлар бошданок тесқари тус олади. Мисолларга мурожат қилайлик: «Бобомочинни беш юз камчи урадилар. Мик этмайди. Бир камчи ортиқ урсалар фарёд қилади. Матн давом этади.

Ўшал дамда муридлари қилди савол,
Бир юз камчи урганда йўқ ҳе қилу қол
Бир камчи урди эса бўлди беҳол...

Нега беш юз камчи бу бандда «бир юз камчи»га айланди? Матнчининг зийраклиги ва синчковлиги қани? Демак, банднинг иккинчи мисраси:

Беш юз камчи урганда йўқ ҳеч қилу қол –
Тарзида бўлсагина тўғри бўларди...»

Матнчининг зийраклиги ва синчковлигини у ёхуд бу сўз ва мисраларни ўзбошимчалик билан ўзгартириш деб тушуниш ярамайди. Бобомочинни жазолашга «Боглаб уринг беш юз камчи ул нодонга», дея фармон берилгач:

Ўшал дамда беш юз камчи санаб урди,
На ох деди, на воҳ деди, билинг дўстлар.

«Беш юздан бир камчи» ориқ урилганда у беихтиёр зор йиглаб фарёд қилади. Мана энди, Анкара нашрининг 142-саҳифасидан шеърнинг давомини биргалашиб ўқийлик:
Ўшал дамда муридлари қилди саол,

Бир юз камчи урганда йўк хеч килу кол.

Бир камчини урди эрса бўлди бехол

Сир надур деб асхоб анда сўрди, дўстлар.

Дарвоке, хамма сир ана шу «бир камчи»да эди. Чунки шундан сўнг «дев ва пари» унинг оркаидан дархол кочганди. «Беш юз камчи» олдин икки маротаба тилга олингани ва камчи сони беш юздан ортгани учун ҳам «бир юз камчи» дейилганки, буни «бир неча юз камчи» деб қабул қилиш унча катта зийраклик талаб этмаса керак. Биз ўзимизча агар тахрирбозлик этишга киришсак, «Беш юздан ҳам бир камчини ортик урди», сингари сатрларнинг «астар-авраси»ни ағдариш жоиз бўлади. Холбуки, бунга хеч кимнинг ҳақки ҳам, ҳуқуқи ҳам йўк.

Агар В.Раҳмонов бирор бир кўлёзма ёки тошбосмага олдин бир назар ташлаб, сўнг хулосани айтганида эди, у «Бир камчи урди эрса» эмас, «Бир камчини урди эрса» деб ёзилишиша диккатни қаратар эди. Ва буни синчилик деса арзирди.

Мақолада оддий, хоатоқи хатога йўймаси ҳам бўлаверадиган фактлардан ҳам одамни чўчитиб юборадиган даражадаги хулосалар илгари сурилади:

Кул Хода Аҳмад, Ҳақ сўзини сўзлари мудом,

Ҳақдин ўзга сўзлар БОРИЙ эрмиш харом.

Матншунос иккинчи мисрадаги «Борий»га қарши. Унингча, «оддий китохон бу сўзни англаёлмай «Навоий асарлари учун қискача лугат» (Тузувчи: Ботирбек Ҳасанов, «Фан» нашриёти, 1992 йил) китобиг бокса, 52-саҳифада ўқийдиб Борий – Тангри, Яратувчи.

Матндагидай «Борий эрмиш харом», деб ўқилса: «Оллоҳ харом эрмиш», деб ўйлайди ва беихтиёр қуфрга кетади... Агар ўша мисра қуйидгидек, «й»сиз ёзилса, олам гулистон эди:

Ҳақдин ўзга сўзлар бори эрмиш харом.

Бу ҳолатда ўқувчи «бори» сўзини «бори-хаммаси» маъносида тўғри тушунган бўлади».

Шу мантиқ рост ва ишонарли деб ўйлайсизми? Мутлақо ёлгон. Масалани битта «й» хал қиладиган бўлса, яна қуфрга йўл очилади деяверинг. Ишонмасангиз, «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати» 1-жилдини очиб, 319-саҳифасини ўқинг: «БОРИ БОРИЙ – Яратган, Худо, Тангри (Худонинг нисбатларидан бири)...»

«Имон муқаддас тушунча, - дейди домла В.Раҳмонов ва яна галати бир «жумбок»ни хал қилишга киришади. – Бирок мен «имоннинг орқа-олди бор», дейдиганларга тушунмайман. Менимча, имонли ёки имонсиз одам бор. Илмда имонлиликнинг биринчи шarti ростгўйлик ва идроклиликдир».

Очиги, бундай муросасиз гасихутгўйликка берилишнинг сабабини мен аввалига унча тушунмадим. Наҳоки, имоннинг муқаддаслигига шубҳа тугдирадиган бирор бир хато ўтган бўлса, «Имоннинг орқа-олди бор» дейдиганлар ким экан, деган ҳаёлларга ҳам бордим.

Зум ўтмай билдимки, мазкур танбехларга мана бу байт сабаб бўлган экан:

Пушти имон шариатдур, мағзи тарик,

Тарик қирган Ҳақдин улуш олди, дўстлар.

Ана энди гапнинг давомини эшитинг: «Биринчи мисра бизни ўйлантиради. Пушти имон – имоннинг орқаси. Матнчи байт мазмунини идрок этолмаган. Тилимиз мантигида кўпинча бирор тушунчани ичи ва ташини рамзий маънода ифодаласалар мағзу пўст сўзларини қўллайдилар. Ҳожа Аҳмад Яссавий биринчи мисрадаги имоннинг пўсти (териси)

шариат, мағзи тарикат демокчи:

Пўсти имон шариатдур, мағзи – тарик,,

Тарик кирган ҳақдин улуш олди, дўстлар».

Яссавий имоннинг юзи, усти, тамали шариатдур, демокчи бўлган бўлса-чи? «Тилимиз мантиги» да «Мен сенинг етти пуштингни биламан», дейиш нимани англатади? Нахотки, «етти орка» ёки «етти кет» дегани бўлса?

В.Рахмонов бир неча маротаба матнчи лугатга мурожаат қилиши ҳақида жон куйдирибтавсия беради-ю, аммо зарур ўрнида бунга ўзи амал қилмайди. Буни қандай баҳолаш мумкин? Холбуки, «пушти имон» ва «пўсти имон» деярли бир хил маъноларни англатади-ку?

«Фарханги забони тоҷики» изохли лугатида (2-жилд, 101-бет) «пушт» сўзининг етти маъноси шарҳлаб берилган. Шу лардан биттаси мажозий мазмунга эга бўлиб («пўст» ҳам шундай), «юз», «уст» демақдир. Бас, шундоқ экан, «Пушти имон шариатдур, магзи тарик»нинг маъноси «Имоннинг юзи (ёки зоҳири) шариатдур, ичи (магзи ёки ботини) тариқат эрур», деган бўлади. Бунинг нимаси ваҳимали, нимаси галат? «Девони хикмат»нинг нисабатан қадимий нусхаларида «пушти имон» деб эмас, «пўсти имон» деб битилганда ҳам бошқа гап эди.

Менимча, эски матн нусхаларига аҳамият бермасдан ўзининг интуицияси ва субъектив қарашларига биноан «хато» топиш ва тузатиш усули ҳам нотўғри, ҳам хавфлидир.

Афсуски, шу усулдаги тажрибалар кейинги пайтда одат шаклини олмақда.

Матншунослик баҳсини «Хикматлар» нашридан бошлаб газета жуда тўғри ва хайрли ишга қўл урган.

Яссавий шеърлари – зохирда мазмунан содда, тили осон ва тушунарли бўлиб туюлса ҳам, ботинан мураккаб, маъно ва туйғу сирларини кашф этиш анча қийин шеърлардан ҳисобланади. Яссавий ва унинг издошларига бағишланган «Жавохир ул аброр мин амвожил бихор» («Яхшилар жавоҳири ва дарё мавжлари») асарининг муаллифи Ҳазиний «Машойихи Яссавийя манзума мақомотларики, хикмат дерлар савти ҳазин ила хатм ўлур тазвик ва ташвик учун», дейди.

Демак, хикматларнинг «хусусий» охангдорлигидан ташқари, уларнинг мусика билан яқинлигини ҳам эътибордан четлаштирмаслик керак. Чунки, хикматларда ишлатилган айрим сўз ва иборалардаги шаклий ўзгариш ва «нокис»ликлар бевосита оханг ва мусика талабларига дахлдор.

В.Рахмонов ёзади: «Менимча, матнчилик ва матншунослик соҳаси мутахассисдан аввало лугат билишни: араб, форс-тожик ва умумтуркий қадимий сўзлардан вокифлигини талаб қилади. Чунки, лугаб билган киши эски ёзувдаги шакли бир хил сўзларнинг матндаги ўрнига кўра турлича маъно қасб этиши ва ҳар хил ўқилишини билиши мумкин. Масалан: Жафо тортиб яратганга бўлди қариб,
Гариб бўлиб Уқболардан ошдим mano.

Ва:

Хурмо бериб, бошим силаб, назар қилди,

Бир фурсатда Уқбо сари сафра қилди».

В.Рахмоновнинг лугат билиш, қадимий сўзлардан вокиф мутнчининг лаёқатига доир юқоридаги мулоҳазалари тўғри. Аммо мана бу фикрлари жуда баҳсли: «Байтларда (юқоридаги икки байтда – И.Х.) учраган бир хил сўзлар («уқбо») аслида ҳар хил сўзлар эди. Иккинчи мисол мазмунини кўпчилик билади: Уқбо сари сафар қилган – у дунёга (боқий дунёга) сафар қилган. (У дунёга, яъни боқий дунёга ҳамма ҳам сафар қилади. Яссавий «Уқбо» деганда айнан жаннатни назарда тутган – И.Х.)

Биринчи байтдаги «Уқбо» энди уқбо эмас, «Фарханги забони тоҷики» изохли лугатидан

бу сўзнинг «акаба» эканлигини биламиз. Акаба – тоғ ва довоннинг бўйни: ўтиш кийин бўлган тоғ йўллари, калтис даралар. Хозир бу сўз «ағба» холига келиб қолган.

Демак, Хожа Аҳмад Яссавийнинг биринчи байтини қуйидагича қўчирилмоғи зарур эди: Жафо тортиб яратганга бўлди қариб,
Гариб бўлиб АКАБАлардан ошдим мано».

Албатта, «Фарханг» Яссавий хикматларидан кўп вақт кейин яралган. Хозир «Ағба» холига келиб қолган «Акаба» эҳтимол Яссавий замонларида бошқача шаклларда ҳам ишлатилгандир? Нега энди фақат «Фарханг»га суяниш керак? Бизнингча, бу адолатли ва илмий талаб эмас. «Девони хикмат»да «укбо», «укба», «акбо» сўзлари учрайди. Козон нашридаги бир хикматда «Кул Хожа Аҳмад Уқбалардин елиб ошдим», дейилади. «Уқба» сўзи эса тепалик, баландлик, дўнглик дея шарҳланган. Турк олими Камол Эраслон «Гариб бўлиб ақбалардин ошдим мано» мисарсидаги «Ақба»га бундай изох берган: «Ақба, асли акаба бўлиб, «тўсик; баландлик, тепа, кийин ўтиладиган жой, тахлика маъноларини билдирадиган сўздир. Вазн талаби билан баъзи шеърларда ақба шаклида ишлатилгандир. Шу сабабли биз ҳам «ақба» деб ўқилишини таржих этдик».

Демак, турк олими, «акаба»да вазн ва оҳинг сакталиги содир бўлишини билган. «Хикматлар» нашрига биз Камол Эраслон чиқарган мажмуани асос қилиб олмаганимизда ҳам ўзимизини оқлашга уриниб, «акбо» билан «укбо»ни фарқлай олмаганимизни ҳаспўшлаш мумкин эди...

Боринги, ҳурматли матншуноснинг талабларига риоя этиб, «укбо»ни «акаба» деб қўчирдик, дейлик. «Фарханг»даги шарҳлар бўйича ҳулоса чиқарамизми? Унда байт мазмунини саёзлаштиришдан бошқа ҳеч нимага эришолмаймиз. Чунки, «ақба»дан қўзланган туб мақсад «тоғ йўллари, калтис даралардан» ўтишга эмас, балки сайру сулуқ йўлидаги тахлика ва нафсоний тўсикларни кечиб ўтилганлигига ишоратдир.

Мақолада Аҳмад Яссавий тасаввуф адабиёти вакили эканлиги, унинг хикматларидаги ақсарият сўз ва истилоҳлар тасаввуфий маъноларни билдириши негадир инобатга олинмаган. Айтайлик, «Пиру мугон изин олиб мен ўпай деб», сатридаги изофа ноқислиги («пиру» эмас, «пири») тўғри кўрсатилган. Лекин, «Муглар – оташпараст зардуштийлар-қу», дея тимсол мазмуни нотўғри талкин қилинган. Яссавий хикматларидаги «муг», «пири мугон» - оташпараст ҳам эмас, зардуштий ҳам эмас, балки содик, самимий мурид, пири қомилдир.

Бу дунёнинг молларини ҳозил қилиб,
Ришват берсанг малийқул мавт олмас эрмиш.

Бундаги «ҳозил» сўзи хато қетган. Хох ишонинг, хох ишонманг, корректура ўқиганимда «ҳозил» «ҳозир» деб ўзгартирилди. «Девони хикмат»нинг айрим нусхаларида ушбу байтнинг илк катори:

Бу дунёнинг молларини ҳозир қилиб –

Тарзида берилган ва «ҳозир қилиб» - жамлаб, тўплаб, бир жойга йигиб-йигиштириб маъноларини ақс эттиради. Яссавий бу сўзни бошқа мазмунларда ҳам қўллаган. «Хозир бўл!» деб нафс бошини янқдим мано» сатридаги давъат «Тайёр бўл! Ўлимни бўйнингга ол!» демак. В.Раҳмоновга кўра эса мазкур мисра қуйидаги тарзда бўлмоғи лозим эди: Бу дунёнинг молларини ҳосил қилиб.

Сиртдан қараганда, «ҳозир» билан «ҳосил» қилиб орасида кескин бир мантикий фарқ йўқ. Бироқ, «ҳосил қилиб»дан кўра (айни матнда) «ҳозир қилиб»ибораси тасаввуфий моҳиятга маслакка уйғундир. Яссавийнинг сўз ва ўғитлари биринчи галда ўзининг издошларига қаратилганлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Маълумки, ТАРК

тасаввуфнинг бош ташанчаларидан ва унинг илк боскичи тарки дунё эрур. Шу маънода ориф, ошик (Хак ошиклари), ахёр, абдол ва дарвешларда «бу дунёнинг молларини хосил қилиш» эҳтиёжи сўнгандир. Удар дунёга эмас, дунё уларга тобе ва таслимдир, Ясавий айтмоқчики, будунинг молларини сеҳру каромат ила бир жойга хозир айлаб, яъни жамлаб малойикул мавтга ришват берсанг ҳам жонингга жон кўшилмайди. Дмак, асосий муддао: охиратга молу дун биланмас, ишк, маърифат ва огохлик ила хозирлик кўришга чорловдир.

Матшунос бир ўрнида «буроксувор» тўғри ўқилганини эътироф этиб, «навбатдаги байтда бу сўз мазмунга хилоф тарзда ўқилган:

Ул макомни тавхид отлиг дарахти бор,

Соясида ошик куллар бурок – суяр.

Афтидан, буроксуворлар энди дарахт соясида бурокларини сўяяптилар...», дея киноя қилади.

«Буроксувор» - бурок минган, бурок мингувчи дегани. Яссавий инончида чин ошиқлар – буроксуворлар: «Оллох айтур ошиқларим буроксувор». В.Рахмоновнинг тавсия ва кинояларига караганда у бурокни факат бир маънода – Меърож тунида Пйгамбар миниб самога кўтарилган от маъносида англайди. Акс холда, ошик куллар – бурок суярлар, яъни ишкпарастлар бўлиши мумкинлигини дархол хаёолан ўқазарди. Чунки, Абул Ало Афифий шархлаганидек, мутасаввифларнинг «йўлчиликларида уларни Оллохга етказадиган «Бурок» илохий ишк эрур. Масжид Аксо – Нур ва Хакдур...» Биз бунинг билан «буроксуяр» хаосиз ёзилган демокчи эмасмиз. «Буроксувор» деб кўчирилганда ҳам барибир хато бўларди, демокчимиз.

Тасаввур қилинг: «Тавхид отлиг» улкан бир дарахт. Унинг соясида ошик куллар бурокларига миниб ўтиришибди. Ахир, бу «дарахт соясида бурак сўйиш» билан қарийб тенг мантик. Аслида биз бурок эмас, «борик» ёзганмисиз. Соядаги киши нимага интилади, нимани севади: нур ва ёруғликни. Ўша йигирма тўққизинчи хикматнинг биринчи сатри «Тажаллийнинг макомидир ажаб маком», дея бошланиши ҳам: «Соясида ошик куллар борик суяр», деб ўқилишини қувватлайди. Нур, шуъла маъносини ифодаловчи «борик», «борика»эса туркий шеъриятда тез-тез учрайди. «Бориксуяр»ни биз илохий нурни тилар, нурга интилар мазмунига эга деб ҳисоблаймиз.

Малакали матнчи Махмуд Хасаний «Хикматлар»ни ёзилганига ҳам олти асрча ўтган бўлиб, ундаги кўпгина сўзлар хозирги пайтда истеъмордан чиқиб кетганини ҳисобга олиб, уларнинг маъноси ва тўғри ўқилишини таъминлаш мақсадида туркийшунос олимлар ҳам бу ишга жалб этилса, фойдадан холи бўлмайди», деганида тўла ҳақдир. Хар қалай бундай ишни бекаму кўст бажаришда биргина матнчилик гайрати ва матншунослик кўрсатмалари камлик қилиши аниқдир.

Матншунослик бўйича, ўртага ташланиши зарур кўрилган неки фикр-мулоҳаза бўлса, айтайлик. Лекин «санамай саккиз» демайлик, миннат ва маломатни аралаштирмайлик унга.

В.Рахмонов макола муқаддимасида афсус-надомат ила бундай дейди: «Мен «Ёшлик» журналининг 1991 йил 10-сонида «Навоийшунослар масъулияти» номли мақоламда («Ёшлик»нинг ушбу сонидан бундай муқола йўқ – И.Х.) Алишер Навоий «Муқаммал асарлари тўплами»нинг барча жилдлари матншунослик нуқтаи назаридан нуқсонли деб даъво қилдим. Бирор навоийшунос лом-мим демади? Ўша йили «Муштум»да ҳам менинг имзом билан «Маънолар хазинасидаги қалтис вазият»га олимлар диққатни тортдим. Олимлар лом-мим дедиларми? Адабиётшуносларни Навоий мероси – муқаддас

асарларнинг кисмати кизиктирадимми ўзи?

Нега кизиктирмас экан? Кизиктиргани учун улкан навоийшунос ва малакали матншунос олимларимиз захмат чекиб, кўз нурларини аямасдан Навоий «Мукамал асарлар тўплами»ни нашрга тайёрлаш ишларини давом эттираётирлар. Кўп томликдан энди 13 жилди босилиб чиқди. Хали нашр килинмаган олтига том турибди. Шундай экан, қандай килиб барча жилдларни «матншунослик нуктаи назаридан нуксонли» деб даъво килиш мумкин? Масалан, еттинчи том, яъни «Хайрат ул-аброр» лостонини ўзбек матншунослиги ва матнчилигининг пири, буюк олим Порсохон Шамсиев 1970 йили эълон қилган илмий-танкидий матн асосида, изоҳлар билан, В.Рахмонов «навоийшунос отахон олимимиз», дея эътироф этган атокли олим А.Хайитметов ва мен нашрга тайёрладик. Шу иш жараёнида Порсохон домланинг матн яратиш салоҳияти, билимдонлиги ва захматқашлигига факат хайрон қолдим. Беш-ўнта имловий хато ёки изофа нокисликларини топиб фарёд этиш, Абдулла Каххор таъбири билан айтганда, «гугурт чақилганда ҳам дунёга ўт кетди», деб дод солиш билан тенгдир.

Мақолада ўзни химоя қилиш эҳтиёжидан тугилган «Сиз кўлёмани кўчирган чаласавод котибни Аҳмад Яссавийдай даҳо шоирдан юқори кўяр экансиз-да?», деган бир савол бор. Бу саводан бир қанча оғрикли саволлар тугилмайдими? Ўша «чаласавод» котиб-ку келажак авлодларга «Девони хикмат»ни кўчириб қолдирибди, етмиш йилдан ортиқ давр мобайнида биз нима қилдик?.. Умуман, бизда Яссавий шеърларини кўчирган бирор-бир котибни айблаш ёки таҳқирлашга маънавий ҳуқуқ борми ўзи?

В.Рахмонов «Хикматлар»нинг нашр «усули»ни «пала-партишлик» деб ҳукм чиқаради ва сўзларнинг «гоҳ тўгри», «гоҳ бузиб» ўқилишини «Бу унификация билан боғлиқ эмас. Сўз ҳар хил ўқилса-ю мазмун зарар кўрмаса қошқийди», деб кўп қуйилади. Мактанчокликка йўйилмас, мухтарам матншуносимизга жиндақ тасалли бўлар деган умид ила бир фактни эслатмоқчимиз: «пала-партиш» усулда тайёрлаган шу китоб сўзбоши, бир томонда ўзбекча, бир ёнда усмонли туркча матн билан 1995 йили Истанбулда босилиб чиқди. Тўгри кўрсатилган айрим нуксонларни ҳам Сиз унда учратмайсиз...

Биз ҳозир «Девони хикмат»нинг изоҳли бир нашрини халқимизга етқизиш учун иш олиб бораётимиз. Бунда бегараз айтилган ҳар бир фикр-мулоҳаза, билимдонлик ва самимият билан кўрсатилган камчиликларнинг бирортаси ҳам эътиборсиз қолдирилмаслиги шубҳасиздир. Зеро, матнчилик ва матншунослик муаммолари ҳам факат ва факат Маърифат, Заковат, Дид ва Савия зиёси ила ҳал қилинади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»

1998 йил, 20 феврал